

**ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ**  
(тайёр махсус кийимлар ишлаб-чиқариб бериш учун)

Наманган шаҳри

№ 182

20 июн 2022 й.

«GOLDEN RING» оилавий корхонаси номидан Ишончномага асосан иш юритувчи Л.Н. Нормирзаев бундан буён матнда «СОТУВЧИ» деб аталувчи, корхона Низомига асосан фаолият юритувчи бир томондан ва «Кучлик нефт базаси» МЧЖ номидан, Низом асосида иш юритувчи Э.Т. Худайшукуров бундан буён матнда «ХАРИДОР» деб аталувчи иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздик:

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

1.1. «СОТУВЧИ» мазкур шартномага мувофиқ келишилган намуналар ва ўлчамлар асосида куйидаги махсулотларни ишлаб чиқариб беради, «ХАРИДОР» эса махсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади:

| №            | Махсулотлар тури                      | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи   | Суммаси     | ҚҚС суммаси | Жами               |
|--------------|---------------------------------------|---------------|------|---------|-------------|-------------|--------------------|
| 1            | Спецодежда демосезонная (кител брюки) | комп          | 465  | 404 348 | 188 021 820 | 60 753 180  | 248 775 000        |
| <b>ЖАМИ:</b> |                                       |               |      |         |             |             | <b>248 775 000</b> |

**2. ШАРТНОМА БАХОСИ, ҚИЙМАТИ**

2.1. Шартномани умумий қиймати **248 775 000 (икки юз қирқ саккиз миллион етти юз етмиш беш минг) сўми** ташкил қилади.

2.2 Юқоридаги келишилган нархлар қўшилган қиймат солиғи билан.

**3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

3.1. Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.2. Ушбу шартнома бўйича тўловлар, «ХАРИДОР» томонидан 5 банк иш куни мобайнида олинadиган махсулот учун олдиндан 15 % ва махсулот ишлаб-чиқарилгандан сўнг 85 % тўловни амалга оширилгандан кейин берилadi.

3.3. «СОТУВЧИ» махсулотни етказиб беради.

**4. МАХСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Ушбу шартнома бўйича махсулотни етказиб бериш, «ХАРИДОР» шартномани 3.2. банди шартлари бўйича тўловларни амалга оширганда агарда тайёр махсулот булмаса 10 кун мобайнида ишлаб-чиқариб берилadi.

4.2. «Харидор» олинadиган махсулот учун шартноманинг 3.2. бандида келишилган шартларни амалга оширилгандан сўнг, яъни «Сотувчи» нинг банки тасдиқлагандан сўнг, махсулотларни «Сотувчи»нинг омборидан расмийлаштирилган ҳолда ҳисоб-китоб варақага мувофиқ «Харидор»га берилadi.

4.3. «Харидор» махсулотни қабул қилиб олишда унинг миқдори, ўрами, сифати ва бошқа кўрсаткичлари бўйича эътирозларини «Сотувчи»га 7 кун ичида билдиришга ҳақли.

**5. МАХСУЛОТНИНГ СИФАТИ**

5.1. Махсулотнинг сифати, маркировкаси, ўрами Ўзбекистон Республикасида ҳаракатдаги стандартлар талабларига ва «Харидор» томонидан ишлаб чиқилган техник шартга жавоб бериши лозим.

5.2. Сотилadиган махсулот Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.07.2004 йилдаги 318-сонли «Махсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.05.2007 йилдаги 104-сонли, 11.06.2007 йилдаги 118-сонли, 08.08.2008 йилдаги 176-сонли, 18.08.2009 йилдаги 234-сонли, 21.08.2009 йилдаги 241-сонли қарорларига асосан ўзгартиришлар киритилган) қарорига асосан сертификатланиши мажбурий бўлмаган махсулотлар рўйхатига киритилмаганлигини маълум қиламиз ва Республика ЎЗСТАНДАРТ агентлиги томонидан берилган хатида нусхасини илова тариқасида берилadi.

**6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. «СОТУВЧИ» махсулотни келишилган муддатга асосан тўлиқ етказиб бермаган тақдирда «ХАРИДОР»га етказиб бермаган мол-мулк баҳосидан 5% миқдорида жарима тўлайди.

6.2. «ХАРИДОР» ҳам махсулот ҳақини келишилган муддатга асосан тўлиқ ўтказиб бермаган тақдирда «СОТУВЧИ»га ўтказиб бермаган сумма баҳосидан 5% миқдорида жарима тўлайди.

6.3. Жарима миқдори ўз вақтида етказиб берилмаган махсулотлар ва тўланмаган сумма қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.



- 6.4. Махсулот учун «ХАРИДОР» шартномада белгиланган тартибда тўловларни амалга оширмаса, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган пул миқдорининг 0,4% миқдориди, лекин тўланмасдан қолган сумманинг 50 % ошмаслик шarti билан пеня тўлайди.
- 6.5. «ХАРИДОР» томонидан шартноманинг 3 бўлими шартлари бузилган тақдирда «СОТУВЧИ» томонидан махсулот хаки ва ҳисобланган пеняларни тўлов талабномаси орқали ундириб олади.

### 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

- 7.1. Томонлар шартнома шартларини бажаришлари мобайнида уларнинг хошиш, эрки ва иродасига боғлиқ бўлмаган кучлар тўсиқлик қилса, жумладан: табиий офатлар, zilзила, сув тошқини, уруш эълон қилиниши, амалдаги қонунчиликнинг ўзгариши каби ҳолатларда форс-мажор ҳолати эълон қилинади. Қайси томон учун форс-мажор ҳолати содир бўлса, ушбу ҳолат ҳақида иккинчи томонни ёзма равишда огоҳлантириш шарт. Форс-мажор ҳолатлари 3 ой ёки ундан ортиқ давом этса томонлар шартнома шартларини бажаришдан қисман ёки тўлиқ озод этиладилар.

### 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.
- 8.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

### 9. БОШҚА ҲОЛАТЛАР

- 9.1. Шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат икки томонлама ёзма равишда келишувга эришилган тақдирда кучга эга.
- 9.2. Шартноманинг муддатидан олдин бекор қилиниши фақат икки томонлама келишув орқали амалга оширилади. Агар томонлар келишувга эриша олмасалар суд орқали бекор қилинади.
- 9.3. Ушбу шартнома ўзбек тилида, тенг ҳуқуқий кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб бир нусхаси «СОТУВЧИ» да иккинчиси «ХАРИДОР» да сақланади, тарафлар имзолагандан сўнг кучга қиради ва шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қилади.


### 10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

#### «СОТУВЧИ»

#### «ХАРИДОР»

«GOLDENRING» оилавий корхонаси  
 Наманган ш. Турақурғонкучаси 167 уй  
 х/р: 20208000304238723001  
 «Ипакйули банк» Наманган шаҳар фил.  
 МФО : 01054  
 ИНН : 204374610  
 ОКЭД : 17130  
 Тел: 99890 367 01 50  
 99890 339 48 45


Л.Н. Нармирзаев



“Кучлик нефт базаси” МЧЖ

“KUCHLIK NEFT BAZASI” MCHJ  
 111508, Tosh. vil., O’rtachirchiq tum., Kuchlik  
 MFY Iste’dod 58-uy tel.: (70) 763-51-18, 763-01-19  
 х/р 2021 0000 6005 8704 6001  
 “ORIENT FINANS” MFO 01115  
 204 640 010, IFUT 46710 4

Э.Т. Худайшукуров



*Юриконсультант*

